

Ақийда дарслари (146-дарс). Аҳли сунна мавқифи (биринчи мақола)



17:00 / 09.08.2021 4377

Бу масалани мўтадил равишда ечган мазҳаб Аҳли сунна ва жамоа мазҳабидир. Аммо Аҳли сунна ва жамоанинг икки бош йўналиши - ашъарийлар ва мотуридийлар орасида ҳам бир оз турличалик мавжуд.

Ашъарийларнинг фикрига кўра, инсоннинг барча ишларини Аллоҳ таолонинг Ўзи вужудга келтиради. Инсоннинг бунга дахли йўқ. Инсон ўз амалини касб қилади, холос. Касб эса янги қувват билан амалнинг оддий яқинлашишидир. Инсон ўша касбига қараб савоб ёки гуноҳ олади. Аммо бу гап кўпчилик Аҳли сунна ва жамоа уламолари томонидан танқид қилинган.

Энг мақбул гапни мотуридийлар айтганлар. Уларнинг фикрича, инсонда ўзи қилмоқчи бўлган ишни бажаришга иститоъат бор. Худди шу нарса

савоб ва гуноҳга сабаб бўлади.

Бу маънони «Шархи «Ақийдатут Таҳовийя» китобидан олинган иқтибосдан ўрганамиз:

Иститоъат ва унинг турлари

«Махлуқнинг васф қилиб бўлмайдиган, у билан амал вожиб бўладиган иститоъати муваффақ қилиниш қабилдан бўлиб, амал билан бўлади.

Аммо сиҳат-саломатлик, кенгчилик, имконият ва асбоб ҳамда воситаларнинг етарли бўлишига боғлиқ иститоъат амалдан олдин бўлади.

Хитоб (шариат буйруқлари) ана ўша иститоъатга қаратилгандир. Аллоҳ таоло: «Аллоҳ жонни фақат имкони бор нарсага таклиф қилади», деган.

(Иститоъат – куч, қудрат, иқтидор, имконият)

Шарҳ: Билингки, «иститоъат», «тоқат», «қудрат» ва имконият «бир-бирига маъноси» жуда ҳам яқин лафзлардир. Уларнинг ҳар бири иккинчисининг ўрнида истеъмом қилинаверади. Бу лафзларнинг барчаси Куръони Каримда келган:

رَحْمًا يَأْتِيَنَّكُمْ عَفْوَ رَفَسِ يَلَعُ وَأُضْيِرُّكُمْ مِنْ نَاكِ نَمَفَاتٍ أَدُوذُكُمْ أَمَّا يَأْتِي
رُحْمًا وَهَفَ أَرْيَخَ عَظْمَاتٍ نَمَفَاتٍ نِي كَسْمُ مَاعَطُ عَيْدِفُ هُنُوقِي طِي نِي دَلَّ يَلَعُ وَ
نُومَلَعَاتٍ مُتَنُّكَ نِي كَلُّ رُحْمًا أَوْمُوصَاتٍ نَأُوهَل

1. «Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида фидя – бир мискин таоми бордир» (Бақара сураси, 184-оят).

تَبَسَّتُكَ أَمْ أَهَيْلَعُ وَتَبَسَّكَ أَمْ أَهَلْ أَعَسُ وَآلٍ أَسْفَنُ لَلْ أُولَ كَيْ آل
أَمْ كَ أَرْصٍ أُنْيَلَعُ لَمْ حَتَّ آلٍ وَ أُنْبَرُ أُنْطَحُ أَمْ وَأَنْ يَسِّنُ نِي أُنْذَخُ أُولَ آلٍ أُنْبَرُ
فُعْ أَوْ هَبْ أُنَلَّ عَاطَا أَلْ أَمْ أُنَلَّ مَحْتَّ آلٍ وَ أُنْبَرُ أُنَلْبَقُ نَمَ نِي دَلَّ يَلَعُ هَتَّ لَمْ ح
نِي رَفَا كَلَّ أَمْ وَقُولَ يَلَعُ أُنْرُصْنَا فِ أُنَالُ وَمَتْنَا أُنْمَحْرَاوْ أُنَلَّ رَفْعَاوْ أُنَع

2. «Аллоҳ ҳеч бир жонга имкониятидан ташқари нарса юкламас» (Бақара сураси, 286-оят).

مُكْسِفُنَّ أَلْ أَرْيَخَ أَوْ قَفْنَا أَوْ أَوْعِي طَأْ أَوْ أَوْعِي طَأْ أَوْ أَوْعِي طَأْ أَوْ أَوْعِي طَأْ أَوْ
نُوحَلْفُمْلَا مُهَلَّ كَيْلُ وَأَفْ هَسْفَنُ حُشَقُ وَي نَمَ وَ

3. «Аллоҳга қўлингиздан келганича тақво қилинг» (*Тағобун сураси, 16-оят*).

هُنَّ أَنْبَاءٌ مِّنْ قَبْلِكَ قَدْ جَاءَكَ يُسَبِّحُونَكَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَمِنْ لَدُنْهِ مَخْرُجَاتُ الْغَيْمِ يُسْفِرُونَ

4. «Аксинча, унинг бармоқ учларини ҳам тиклашга қодирмиз» (*Қиёмат сураси, 4-оят*).

Иститоъат икки хил бўлади:

Биринчиси: бир ишни қилишдан олдинги иститоъат.

Бу – сиҳат-саломатлик, имконият, кенгчилик ва асбоб ҳамда воситаларнинг етарли бўлишидан иборатдир.

Ушбу иститоъат шаръий ҳукмлар, амр ва наҳйилар ҳамда тарк қилса, жазо беришга боғлангандир. Яъни ушбу иститоъат бўлса, инсонга шариат ҳукмларини бажариш мажбурий бўлади.

(*Давоми бор*)

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди